



113

5 у.г. "18" апрел

№ 524-К

Самарқанд t-p Самарқанд

“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида  
фуқаро Расулов Мехрожга умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун  
ер майдони ажратиш тўғрисида.

“Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида  
яшовчи фуқаро Расулов Мехрож туман ҳокими номига “Даштакиболо”  
кишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан умумий  
овқатланиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси,  
туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни  
муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси,  
“Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3  
ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги  
“Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид  
бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан  
соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли  
“Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш  
тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига  
асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Қўшмачит” маҳалласида  
яшовчи фуқаро Расулов Мехрожга “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар  
йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан умумий овқатланиш шахобчаси  
қуриш учун 115,5 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира  
ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш  
хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Расулов Мехрожга умумий овқатланиш шахобчаси  
қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик  
кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура  
талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат  
қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг  
биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадилов